

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Х У К М

2024 йил ноябрь ойининг 18 куни жиноят ишлари бўйича Хатирчи туман судининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик қилувчи: М.Райимов,

Судья ёрдамчиси З.Ҳамдамовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Хатирчи туман прокурорининг ёрдамчиси А.Жумаев, судланувчи Ш.Адизов, жабрланувчи З.Қўзибоеваларнинг иштирокида, Адизов Шерзод Ғуломовичга нисбатан № 1-2110-2402/235-сонли жиноят ишини кўрди. Иш ҳужжатларига кўра;

Адизов Шерзод Ғуломович (Adizov Sherzod G'ulomovich) - 1977 йил 03 декабрь куни Навоий вилояти, Хатирчи туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, уч нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам: 1.) жиноят ишлари бўйича Хатирчи туман судининг 26.04.2012 йилдаги ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186¹-моддасининг 1-қисми билан айбдор деб топилиб, ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шarti билан 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, судланганлик муддати тугалланган, Навоий вилояти, Хатирчи тумани, “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини, Абдулла Қодирий кўчаси, 21-уйда яшайди, мазкур жиноят иши бўйича унга нисбатан 2024 йил 14 октябрь куни “Муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномасини 04.11.2024 йилда олган;

Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд иш ҳужжатлари билан атрофлича танишиб, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, тарафлар фикрини эшитиб, ишда тўпланган далилларни таҳлил қилиб, қуйдагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи **Ш.Адизов** 2024 йилнинг 15 сентябрь куни соат 06:30ларда Хатирчи тумани “Навбахор” маҳалласи худудидаги марказий деҳқон бозорига кириш дарвозасининг олдида жойлашган, фуқаро С.Норовага қарашли умумий овқатланиш жойига бориб, у ерда иш юритувчи лавозимида ишлаб келаётган қайнионаси З.Қўзибоевага ёрдам бериш учун борган Ш.Адизовнинг турмуш ўртоғи Қўзибоева Зулхумор Эркиновна билан ўзаро тортишиб қолиб, жанжаллашиб кетганлиги натижасида, уларни тинчлантириш мақсадида жанжалга аралашган қайнонаси Қўзибоева Замира Ризоевна билан ҳам жанжаллашиб кетиб, жанжал давомида уни ўнг оёғи билан кўкрак қафасига бир маротаба тепиб, унга Хатирчи тумани СТЭБнинг 19.09.2024 йилдаги 1233-сонли экспертиза хулосасига кўра “Соғлигининг бузилишига олиб келган енгил тан



жароҳати” етказганлиги аниқланган.

Шундай қилиб, фуқаро Адизов Шерзод Ғуломович ўзининг юқорида қайд этилган жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 1-қисмида назарда тутилган “Соғлигининг ёмонлашувига олиб келган енгил шикаст етказиш” жиноятини қасддан содир қилган.

Суд терговда судланувчи тариқасида сўроқ қилинган **Ш.Адизов** унга эълон қилинган айбга тўлиқ иқрорлик билдириб, турмуш ўртоғи З.Қўзибоева билан ўрталаридаги келишмовчиликлар туфайли 3 йилдан буён алоҳида рўзғор асосида яшаб келаётганлиги, 2024 йилнинг 15 сентябрь куни эрталаб соат 06:00ларда Хатирчи тумани марказий деҳқон бозорига уйга озиқ-овқат сотиб олиш ва хотини бозорда қайнионаси Замиранинг умумий овқатланиш жойининг ошхонасида ёрдам бериб юрганлиги сабабли, у билан кўришмоқчи бўлиб борганлиги, соат 06:30ларда деҳқон бозорини айланиб бўлганидан кейин, қайнонасининг иш жойига борганлиги, ушбу жойининг ошхонаси подвалда жойлашганлиги сабабли, зинапоядан подвалга тушганлиги, ошхонага кирганидан сўнг, турмуш ўртоғи Зулхумор ва қайнисинглиси Эъзозалар ўтириб иш қилаётганлигини кўрганлиги, Зулхуморни олдига чақиртириб, унга “Телефонингни нимага қўтармайсан, бугун уйда ўтирибман, болларимни кўрай” деб айтганлиги, турмуш ўртоғи Зулхумор унга кўпол жавоб берганлиги учун, у Зулхуморни кўлидан ушлаб ташқарига олиб чиқмоқчи бўлганлиги, зинапоёга яқинлашган вақтида, қайнисинглиси Эъзола олдига келиб “опамни қўйиб юборинг, бизларни тинч қуйинг” деб айтиб, олдига келиб, хотинининг кўлидан ушлаб ўз томонга тортганлиги ва унинг жаҳлим чиқиб кетганлиги сабабли қайнисинглисининг уларни қўйиб юбориши учун ўнг кўлидан уриб юборганлиги, ушбу ҳолатни кўрган қайнонаси Замира ҳам тортишувига аралашиб кетганлиги, у Замирага “Сиз аралашманг бизларни ишларимизга” деб айтганлиги, қайнонаси олдига келиб, уни кўлларидан ушлаб, кийимларидан тортиб, уни четга судраганлиги, шунда қайнонаси зинапоянинг пастида бўлганлиги туфайли у қайнонасини ўнг оёғи билан тепиб, итариб юборганлиги, қайнионаси уни қўйиб юбориб, ерга йиқилиб кетганлиги, у хотини ва қайнисинглисини қуйиб юборганлиги ва ташқарига чиқиб, ўз яшаш хонадонига кетганлиги, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, бу ҳолат бошқа такрорланмаслигини, қилган ишларини тўлиғича тушуниб етганлигини баён этиб, суддан енгиллик беришни сўраб кўрсатув берган.

Суд, судланувчи **Ш.Адизов**нинг жиноий ҳаракатлари ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувларидан ташқари, унинг жиноий ҳаракати суд терговда жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган **З.Қўзибоеванинг** 2008 йилдан буён Хатирчи тумани Марказий деҳқон борзорида жойлашган умумий овқатланиш дўконидан иш юритувчи бўлиб ишлаб келишлиги, у билан бирга Зулхумор қизи ҳам ушбу дўконда ҳозирги кунгача ишлаб келишлиги, 2024 йилнинг 15 сентябрь куни тахминан соат 06:00ларда ўзи ишлаб келаётган жойига келиб, энди ишга



киришмоқчи бўлиб турган вақтида, дўконнинг олдида кимдир келиб жанжал килаётганлигини эшитиб, ташқарига чиққанлиги, чиққанидан сўнг дўконнинг олдида куёви Шерзод маст ҳолатда келиб, қизи Зулхуморга бақирганини кўрганлиги, шу вақтда дўконда кичкина қизи Эъзога ҳам ўтирганлиги, Эъзога куёви Шерзодга бақирмаслигини ва дўкондан чиқиб кетишини айтганлиги, шунда Шерзод қизи Эъзозани қўпол сўзлар билан ҳақорат қилиб, дўкондан чиқиб кетмаслигини айтганлиги ва Зулхумор қизининг олдида бориб уни қўлидан ушлаб дўкондан олиб чиқмоқчи бўлган вақтда Эъзога қизи олдиларига бориб, уларни ажратмоқчи бўлган вақтда, Шерзод қўллари билан Эъзозанинг сочларидан ушлаб, тортиб, дўкондан чиқармоқчи бўлган вақтда, уларни ажратиш иложи бўлмаганлиги сабабли, ўзи уларнинг олдиларига чиқиб, куёвига кетинг бу ердан бизларни тинч қўйинг деб айтиб, орқасидан эргашиб чиққанлиги, шунда зинапоядан кўтарилиб чиқаётган вақтида, куёви Шерзод унга “Сен аралашма ишларимизга” деб, зинапояда турган вақтида уни ўнг оёғи билан ўнг томон қовурғасига бир маротаба тепганлиги, у олган зарбасидан сўнг орқага йиқилиб кетганлиги, бу ҳолатни кўрган, қизи Зулхумор ва у билан бирга ишчи бўлиб ишлаб келаётган Мохира югуриб келиб, уни йиқилган жойидан турғизиб, стулга ўтирғизиб қўйганликлари, уни соғлиги ёмонлашиб келаётганлиги туфайли, қизи Эъзога “103” қисқа рақами орқали тез ёрдам хизматига қўнғироқ қилганлиги, шу вақт оралиғида куёви Шерзод дўкондан чиқиб кетганлиги, бироз вақт ўтиб тез ёрдам хизмати келиб, биринчи ёрдам кўрсатиб кетганлиги, куёви Шерзод билан ярашмаслиги, унга қонуний чора кўришни сўрашлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

Суд терговида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган **3.Қўзибоевнинг** 2021 йилдан буён Хатирчи тумани Марказий деҳқон борзорида жойлашган умумий овқатланиш дўқонида ишчи бўлиб ишлаб келишлиги, у билан бирга онаси Замира ҳам ушбу дўконда иш юритувчиси лавозимда ҳозирги кунгача ишлаб келишлиги, турмуш ўртоғи Шерзод билан 3 йилдан буён алоҳида онасининг уйида яшаб келишлиги, 2024 йилнинг 15 сентябрь куни тахминан соат 06:00ларда ўзи ишлаб келаётган жойига келиб, энди ишга киришмоқчи бўлиб турган вақтида, дўконнинг олдида турмуш ўртоғи Шерзод маст ҳолатда келиб, ўзидан ўзи уни қўпол сўзлар билан ҳақорат қилишни бошлаганлиги, у турмуш ўртоғидан уни нима сабабдан ҳақорат қилаётганлигини сўраганида, Ш.Адизов унга “Нимага мен сенга қўнғироқ қилсам, мени телефонимни кўтармайсан, мени болаларим билан гаплаштиргинг келмаяптими” деб жавоб бериб, уни ўнг қўли билан чап елкасидан ушлаб ташқарига чиқармоқчи бўлиб турган вақтда, синглиси Эъзога бу ҳолатни кўриб, турмуш ўртоғи уни уриб юбормаслиги учун жанжалга қўшилиб кетганлиги, шу вақтда турмуш ўртоғи Шерзод Эъзозани ҳақорат қилиб, сочларидан ушлаб, тортиб, уни ҳам ташқарига у билан бирга судраб чиқармоқчи бўлганлиги, уларни кучи етмаганлиги сабабли жанжалга онаси Замира ҳам қўшилиб кетганлиги ва зинапояга кўтарилган вақтида, Шерзод онасига “Сен нимага ўртамызга



аралашаябсан” деб ўнг оёғи билан онасининг ковурағасига бир маротаба тепганлиги, онаси бу зарбадан кейин ерга йиқилиб кетганлиги, бу ҳолатни кўрган улар билан бирга ишчи бўлиб ишлаб келаётган Мохира опа келиб, онасини ердан турғазиб, стулга ўтирғизиб қўйганлиги, шунда синглиси Эъзога “103” қисқа рақами орқали тез ёрдам хизматига қўнғироқ қилганлиги, шу вақт оралиғида турмуш ўртоғи Шерзод дўкондан чиқиб кетганлиги, биров вақт ўтиб тез ёрдам хизмати келиб, биринчи ёрдам кўрсатиб кетганлиг, турмуш ўртоғи Шерзод билан ярашмаслиги, унга қонуний чора кўришни сўрашлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

Суд терговиди гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган **Э.Ҳидоятванинг** 2024 йилнинг август ойларидан буён онаси Замиранинг уйларида, турмуш ўртоғи И.Эргашев чет элда бўлганлиги туфайли яшаб келаётганлиги, 2024 йилнинг 15 сентябрь куни тахминан соат 06:00ларда онасининг ишлаб турган жойида уларга ёрдам бериш мақсадида онаси Зулхумор билан уйдан чиқиб, Хатирчи тумани Марказий деҳқон бозорига борганликлари, борганларидан сўнг тахминан соат 06:30ларда дўконнинг олдида поччаси Шерзод келиб, онаси Зулхумор билан тортишиб, жанжаллашиб кетганлиги, шунда у поччаси Шерзодга бақирмаслигини ва дўкондан чиқиб кетишини айтганлиги, Шерзод бу гапларини эшитиб, уни қўпол сўзлар билан ҳақорат қилиб онаси Зулхуморнинг қўлидан ушлаб ташқарига олиб чиқмоқчи бўлганлиги, у ушбу ҳолатни кўриб, поччаси Шерзод онаси Зулхуморни уриб юбормаслиги учун олдиларига бориб, уларни ажиратмоқчи бўлган вақтида, поччаси Шерзод уни ҳақорат қилишни давом эттириб, уни сочларидан ушлаб, тортиб, ўнг қўл тўртинчи бармоғидан қаттиқ ушлаб олиб, уни шилиб олиб, онаси билан бирга уларни ташқарига олиб чиқмоқчи бўлганлиги, уларнинг кучлари поччасига етмаганлиги сабабли жанжалга онаси Замира ҳам қўшилиб кетганлиги ва зинапояга қўтарилган вақтида, Шерзод онасига “Сен нимага ўрталарига аралашаябсан” деб ўнг оёғи билан онасининг ковурағасига бир маротаба тепганлиги, онаси бу зарбадан кейин ерга йиқилиб кетганлиги, бу ҳолатни кўрган улар билан бирга ишчи бўлиб ишлаб келаётган Мохира опа келиб, онасини ердан турғазиб, стулга ўтирғизиб қўйганлиги, шунда у “103” қисқа рақами орқали тез ёрдам хизматига қўнғироқ қилганлиги, шу вақт оралиғида поччаси Шерзод дўкондан чиқиб кетганлиги, биров вақт ўтиб тез ёрдам хизмати келиб, биринчи ёрдам кўрсатиб кетганлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

Суд терговиди гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган **М.Пўлатованинг** 2008 йилдан буён Замира исмли таниши билан бирга Хатирчи тумани марказий деҳқон бозорида жойлашган умумий овқатланиш дўкониди ишчи бўлиб ишлаб келишлиги, 2024 йилнинг 15 сентябрь куни тахминан соат 06:00ларда Хатирчи тумани марказий деҳқон бозорига ишлаб турган дўконига борганлиги, шу вақтда дўконда Замиранинг иккита қизи Зулхумор ва Эъзога ҳам ўтирган эканлиги, у энди ишларини бошлайман деб турган вақтида дўконга, Зулхуморнинг турмуш ўртоғи Шерзод келиб, Зулхумор билан жанжаллашиб кетганлиги, бўлиб турган жанжалга Эъзога



хам қўшилиб кетиб, Шерзодга уларни тинч қўйишини ва бу ердан кетишини айтганлиги, Шерзод бу гапларни эшитиб Эъзозани қўпол сўзлар ҳақорат қилишни бошлаб, Зулхуморнинг қўлидан тортиб, ташқарига олиб чиқмоқчи бўлган вақтда Эъзога жанжалга Шерзод Зулхуморни уриб юбормаслиги учун қўшилганлиги, шунда Шерзод Эъзозани ҳақорат қилишни давом эттириб, уни сочларидан ушлаб, тортиб, ўнг қўлидан каттиқ ушлаб олиб, уни шилиб олиб, иккаласини ташқарига олиб чиқмоқчи бўлганлиги, қизларнинг кучлари Шерзодга етмаганлиги сабабли жанжалга Замира ҳам қўшилиб кетганлиги ва зинапояга кўтарилган вақтларида, Шерзод Замирага “Сен нимага ўртаамизга аралашаябсан” деб ўнг оёғи билан Замиранинг қовурғасига бир маротаба тепганлиги, Замира бу зарбадан кейин ерга йиқилиб кетганлиги, бу ҳолатни кўрганидан кейин Замиранинг олдига бориб, уни турғизиб, стулга ўтирғизиб қўйганлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

- шунингдек, гувоҳ Ш.Бекназаровнинг дастлабки терговда берган ҳамда суд терговда ўқиб эшиттирилган кўрсатувлари билан; Хатирчи тумани ИИБ НҚнинг Шакл-1 китобидан 15.09.2024 йилда №6534-сон билан қайддан ўтган З.Кузибоевнинг мурожаати билан (и.в. 4 б); 15.09.2024 йилда ўтказилган ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, унга илова чизма ва фотожадвал билан (и.в. 7-12 б); Хатирчи тумани СТЭБнинг 19.09.2024 йилдаги №1233-сонли судга оид тиббий экспертиза хулосаси билан (и.в. 31-33 б); Юзлаштириш баёномалари билан (и.в. 81-96 б); 12.10.2024 йилдаги гумон қилинувчи Ш.Ғ.Адизовнинг кўрсатмаларини ҳодиса содир бўлган жойида текшириш баённомаси, унга илова фотожадвал билан (и.в. 97-102 б); жиноят иши бўйича ашъвий далил сифатида эътироф этилган 1 дона ДВД диск билан ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ ўз исботини топган.

Суд, тергов органи томонидан судланувчи **Ш.Адизовнинг** ҳаракатларини “Соғлигининг ёмонлашувига олиб келган енгил шикаст етказиш”да ифодаланган Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 1-қисми билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида “Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқдир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилади. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларнинг, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини белгилайди. Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак”-деб кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил



3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” -деб тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи Ш.Адизовга жазо тайинлашда унинг айбига икромлигини, қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини ЖК 55-моддасига кўра, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, ЖК 56-моддасига асосан жиноятни ғаразли ниятларда содир қилганлигини оғирлаштирувчи ҳолат деб эътироф этади.

Суд, судланувчи Ш.Адизовга нисбатан жазо тайинлашда айбига икромлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб эътиборга олиб, унга нисбатан унинг ҳаракатлари квалификация қилинган модда санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 13-моддасида “Қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлиги ана шу қилмиш содир этилган вақтда амалда бўлган қонун билан белгиланади. Агар ушбу Кодекс моддасида ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир қилиш пайти жиноят тамомланган пайт деб ҳисобланган бўлса, ижтимоий хавфли қилмиш бажарилган пайт жиноят содир қилинган вақт деб топилади. Агарда ушбу Кодекс моддасида жиноий оқибат юз бериши билан жиноят тамом бўлган деб ҳисобланган бўлса, жиноий оқибат юз берган пайт жиноят содир этиш вақти деб топилади. Қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга, яъни ушбу қонун кучга киргунга қадар тегишли жиноий қилмиш содир этган шахсларга, шу жумладан жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган шахсларга нисбатан, агар улар ҳали судланган ҳисоблансалар, татбиқ этилади. Қилмишни жиноят деб ҳисоблайдиган, жазони кучайтирадиган ёки шахснинг ҳолатини бошқача тарзда ёмонлаштирадиган қонун орқага қайтиш кучига эга эмас”лиги белгиланган.

Суд, Ўзбекистон Республикасининг 07.10.2024 йилдаги ЎРҚ №972-сонли Қонуни билан ЖКнинг 109-моддасига ўзгартириш киритилган бўлиб, судланувчи Ш.Адизов ушбу жиноятни юқорида қай этилган қонун қабул қилинмасдан олдин содир этганлигини инобатга олиб, шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эгаллигини инобатга олиб янги таҳрирдаги қонунни қўллашни лозим топади.



Шунингдек суд, иш юзасидан ашёвий далил деб эътироф этилиб, жиноят ишига қўшилган тергов ҳаракатлари тасвирга олинган 1 дона дискни жиноят иши билан бирга қўшиб сақлашни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 472-473-моддаларини қўллаб, суд ҳукм қилади

Ҳ У К М:

Адизов Шерзод Ғуломович (Adizov Sherzod G‘ulomovich) Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин ва унга Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 1-қисми билан ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шarti билан 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ижросини назорат қилиш Хатирчи туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин ва жазо мазкур жазо ижросини назорат қилувчи орган томонидан белгилаб берадиган жойларда ўташлик белгилансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси муддати жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Адизов Шерзод Ғуломович (Adizov Sherzod G‘ulomovich)га нисбатан қўлланилган “Муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил деб эътироф жиноят ишига қўшилган тергов ҳаракатлари тасвирга олинган 1 дона диск жиноят иши билан бирга қўшиб сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка муддат ичида жиноят ишлари бўйича Хатирчи туман суди орқали Навоий вилоят судига апелляция тартибида, ушбу муддат ўтгач эса кассация тартибида шикоят беришга ва протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:

М.Райимов

Маъсул судья: Райимов Мақсуд Жўрақулович

